# ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ НИҲОЛИН ЭККАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН!

## УМИДИМИЗ

Юртбошимиз раҳнамолигида ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши ва унинг 30 ёшгача бўлган ижодкорларга берилиши барчанинг дилига олам-олам қувонч бахш этди. Бинобарин, мазкур мукофот юртимизда яна ўнлаб, юзлаб ёш ижодкорларнинг камолга етишига замин бўлади.

Айтиш керакки, «Ниҳол» бошқа мукофотлардан фарқ қилади. Бу ҳол мазкур мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи кенгаш таркибининг ўзидаёқ кўзга ташланади. Кенгашнинг асосий қисми 30 ёшгача бўлган, муқаддам турли совринларни қўлга киритган ёш санъаткорлардан иборат. Муҳокада иштирок этган кенгаш аъзоси сифатида бу ёшларнинг фикр-мулоҳазалари тўла инобатга олинганини айта оламан.

Мукофотларни беришда ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари томонидан тавсия этилган ҳар бир номзоднинг фаолияти, ижодий имкониятлари, изланишлари ўрганилиб, барча фазилатлари ҳисобга олинди. Шунинг учун ҳар бир номзод устида узоқ баҳслар бўлди, уларга ҳам ижобий, ҳам танқидий назар билан қаралди, барча хизматлари инобатга олинди.

Муҳокамага тавсия этилган 14 нафар, якуний муҳокамада эса 10 нафар энг муносиб номзод танланиб, совриндорлар дея топилди. Натижа эса, биз ҳар доимгидек ўрганиб қолган эстрада қўшиқлари тақдимотига ўхшагани йўқ. Балки унинг ичига академик хонандалик ва чолғу ижрочилиги йўналиши ҳам кирдики, бу ҳол ёшларимизни эстрадага кўр-кўрона берилмасдан чинакам санъат яратишга даъват этади.

Ўсиб келаётган ёш ижодкорларни авайлаш, нохуш таъсирлардан, юлдуз бўлишга зўраки интилиш касаллигидан асраш ва уларнинг ижодига тўғри йўл кўрсатиш «Ниҳол»нинг асл мақсади бўлиб қолишига ишонамиз.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**ҳайъат аъзоси,**
**мусиқашунос**

**Дилшод НАЗАРОВ:**

## ДИЛБАР КУЙЛАР ЯРАТСАМ...

Агар муштарийларимизнинг ёдида бўлса, Дилшод Назаров билан бундан уч йил илгари газета саҳифалари орқали учрашган эдик. Албатта, уни эслаган бўлсангиз керак. Чунки фамилиясиёқ сизга дарҳол республикамизнинг машҳур композиторларидан бирини эслатади. Зеро, Дилшод ўзбек мусиқа ижодиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Анор Назаровнинг ўғли, санъаткорлар оиласининг яна бир ёрқин истеъдоди. Унинг онаси Матлуба Назарова ҳам созанда ва мураббий, виолончел мусиқа асбобининг моҳир чолғучиси.

Шубҳасиз, оиладаги муҳит Дилшоднинг жуда эрта мусиқага меҳр қўйишига сабаб бўлди. Саккиз ёшиданоқ мусиқа билан шуғуллана бошлаган Дилшод биринчи концертини Консерваториянинг катта залида берди. Дастлабки катта муваффақиятга эса ўн уч ёшида эришди. Ўшанда, 1993 йили «Баҳор» концерт залида Миллий симфоник оркестр билан биргаликда К. Сен-Санснинг ля-минор концертини ижро этганди.

Кейинчалик республика мусиқачилар конкурсида совриндор бўлди, Японияда ўтган Чайковский номидаги халқаро конкурсда уч босқичдан муваффақиятли ўтиб, сўнгги турда иштирок этувчи саккизта қатнашчи сафидан ўрин олди. Шундан сўнг Берлин ва Потсдам шаҳарларида берган концерти мухлислар олқишига сазовор бўлди.

1997 йили эса Дилшод Назаров ҳаётида ҳам, республикамиз мусиқа оламида ҳам эсда қоларли воқеа юз берди. У Ўзбекистонда биринчи бўлиб Париж Олий консерваториясига ўқишга қабул қилинди. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бундай катта бахтга Дилшод тинимсиз изланишлар, сабр-тоқат билан мусиқа сирларини ўрганиш ва, албатта, ота-онасининг кўмаги билан эришди.

Дилшоднинг бошқа тенгдошлари ҳавас қилса арзигулик яна бир катта ютуғи бор. Яъни у асримизнинг буюк мусиқачиси Мстислав Ростраповия, машҳур мусиқачилар Д. Шафран ва Н. Шаховскаядан сабоқ олиш шарафига муяссар бўлди.

Бугунги Дилшод Назаров биз бундан уч йил олдин кўрган ўспирин эмас. Ҳозирги кунда Париж Олий консерваториясининг солистлар департаментида(айтиш керакки, бу департаментга у виолончелчилар орасида биринчилардан бўлиб кирди) таҳсил олаётган навқирон, истеъдодли мусиқачи энди анчагина тажриба орттирди, мусиқа бобидаги билимлари янада мустаҳкамланди, энг муҳими, халқаро миқёсда ном қозонди. Сабаби, шу йил Парижнинг нуфузли, энг катта залларидан бўлган Соббонна концерт залида халқаро симфоник оркестр жўрлигида Чайковскийнинг «Рококо» асарини виолончелда ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Ана шу мухлислар орасида Франция ташқи ишлар вазири, халқ таълими вазири, маданият вазири ўринбосари ҳам борлигини назарда тутадиган бўлсак, ёш ижрочи учун ҳам, ўзбек мусиқа маданияти учун ҳам бу қанчалик катта ютуқ эканини ҳис этамиз.

Дилшод Назаровнинг «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланиши унинг изланишларига берилган муносиб баҳо бўлиш билан бирга, ижрочи зиммасига масъулият ҳам юклайди. Биз ундан ушбу мукофотга муносабати ҳақида сўрадик.

— Биласизми, ҳали талаба бўла туриб ватанимизнинг ана шундай юксак эътирофига сазовор бўлганим бизда ёшларга эътиборнинг ниҳоятда катталигидан, юксак ғамхўрликдан далолат беради. Шу ўринда биз ёшларнинг, хусусан, мусиқачи сифатида ўз бурчимни юртимиз довруғини жаҳонга ёйиш, яхши асарларимиз билан миллий мусиқа маданиятимизни бойитишда, деб биламан. Ҳозир яна бир синов арафасида турибман. Шу йилнинг охиригача энг катта концерт залларидан бирида бир ярим, икки соатлик якка концертимни мухлисларга тортиқ этиш ниятим бор. Бундан ташқари, келажакда дирижёрлик, композиторлик борасида ҳам ўзимни синаб кўрмоқчиман.



Яхши ният — ярим давлат, дейди халқимиз. «Қонида бўлса...» деб ҳам бежиз айтишмаган. Шундай катта композиторнинг фарзандидан, эҳтимол, келажакда, нафақат моҳир созанда, балки ўзига хос, ажойиб мусиқаларнинг яратувчиси ҳам етишиб чиқса ажабмас!

**Гулчеҳра УМАРОВА**

## ЖОЗИБАЛИ МУСИҚА

Халқи озод бўлган юртнинг қўшиқлари ҳам озод ва ҳур бўлади. Мамлакатимизда фан, маданият, санъат аҳлининг меҳнати халқ томонидан қанчалик олқишланса, давлатимиз томонидан ҳам шунчалик



**Иззатилла ИБРОҲИМОВ**

юксак эътиборга сазовор бўлади.

29 сентябр куни Халқлар дўстлиги саройида ёш санъаткорларни «Ниҳол» соврини билан тақдирлаш маросими бўлди. Уларнинг катта ҳаёт йўли энди бошланади. Бу йўлнинг охири йўқ. Зеро, санъат йўли ҳам ижод йўли сингари инсонни ўз руҳияти, кўнгли сари етакловчи олис ва нурли йўлдир.

Мен ана шу куни бўлиб ўтган кечада иштирок этдим. Аммо бу маросимни томошабин сифатида залда ўтириб эмас, балки, саҳна ортида, санъаткорлар билан бирга, ёнма-ён туриб кузатдим. Саҳна ортидаги ҳаёт мени лол қолдирди. Қатор-қатор бастакорлар, шоирлар, театр ва кино артистлари, созандалар, раққосалар, турли гуруҳлар, яккахон хонандалар, саҳна безакларига масъул ходимлар, пардозчилар, кийим-дизайн усталари... Қўйингки, олам жаҳон санъат кишиларининг ҳаётидан бир лавҳа кўз ўнгимда намоён бўлди. Бу кўнгли очиқ, хушчақчақ, беҳаловат, борлиғи завқу шавққа тўла инсонлар билан бирга бўлиш, улар билан бирга қувониш, бирга ҳаяжонланиш ниҳоятда мароқли эди.

Инсонларга яхшилик тилаган, гўзаллик шайдоси бўлган Нилуфархоним, Муҳаббатни бошлаб кетмоққа чоғланган, кўзларида миннатдорлик ва ҳаётга чанқоқлик тўлиб тошган Севара Назархон, Абдулазиз Карим, «Сетора», гуруҳи, Тоҳир Содиқов, Дилфуза Раҳимова, Иззат Иброҳимов... ва қатор-қатор бошқа «Ниҳол» хонандаларининг қувончига шерик бўлиш учун йиғилган устозлар ҳаяжони шогирдлариникидан кам эмасди. Ўзбекистон халқ артисти, севимли актёр Ёдгор Саъдиев, дилбар хонанда Кумуш Раззоқова, бастакор Дилором Омонуллаева, хонандалар F.Ёқубов, Д.Fойипов ёш ижрочиларга «Ниҳол» совринини топширар эканлар, уларга машаққатли санъат йўлида яна ҳам улкан ютуқлар тиладилар.

Гулдурос қарсаклар, олқишлар, даста-даста гуллар, қутловлар... Қани энди, бу гўзал оқшомнинг ниҳояси бўлмаса! Қани энди, инсонларни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи бу маросим тонггача давом этса!

Бағрида куй-қўшиқ янграган юртнинг осмони ҳамиша мусаффо бўлади. Қадим момоларимизнинг айтишларича, қўшиқ бор жойга ғамкулфат яқин келмас экан. Кўнгли кенг, саховатли ўзбек



**Дилфуза РАҲИМОВА**

халқи азалдан қўшиқ шайдоси. Жаннатмакон элимизнинг ҳар бир қарич ери битта гўзал қўшиқ бўлгулик. Қўшиқ ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

**Нигора УСМОНОВА**

## РАҚҚОСА ТАБАССУМИ

Раққосанинг нозик ва енгил ҳаракатларида ўзига хос маънолар мужассам. Ўзбек раққосасининг майин табассум билан саҳнада хиром этиши дилларга хуш ёқади.

Гўзал рақслари билан қалбларга нафосат улашаётган ёш раққоса Гулшод Абдиеванинг «Ниҳол» совринига сазовор бўлиши унинг мухлислари қатори устозлари учун ҳам қувончли воқеа бўлди. Биз шу муносабат билан Гулшод Абдиева билан суҳбатлашганимизда у ўз ютуқларини устозларидан олган сабоқлар натижаси, деб айтди. Мукофот ҳақидаги хабарни ҳам устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматовадан эшитганини қувонч билан сўзлаб, унинг истеъдоди учун жон куйдирувчи азиз инсонлар борлигидан фахрланишини билдирди. Гулшод Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ва «Тановор» ансамблида унга рақс сирларини ўргатган устозлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Мадраҳимова, Дилбар Юнусова, Муяссар Сотиболдиева, Ўғилой Муҳамедовадан ҳамиша миннатдор. 1998 йили ўтказилган «Ёш раққосалар танлови»да Гулшод Абдиева олий совринга сазовор бўлган эди. Унинг «Мунонжот», «Аяжонимнинг дутори», «Совға», «Хитой гўзали» каби мумтоз ва замонавий рақслари мухлислар эътиборини қозонган. У Белгия, Франция, Голландия, Германия, Ҳиндистон, Малайзия каби мамлакатларда бўлиб, ўзбек рақс санъати намуналарини маҳорат билан ижро этиб, чет элликларни қойил қолдирди.

— Ўзбек раққосалари саҳнага ҳамиша табассум билан чиқишади, — дейди Гулшод Абдиева. — Раққосанинг та-



бассуми рақсларимизнинг асосий мазмунига айланган. Чет элларда ўтказилган фестивалларда қатнашганимизда хорижлик дўстларимиз жозибадор рақсларимизга жуда қизиқиш билан қарашади. Бизнинг гўзал санъатимиздан ҳайратга тушишади. Кийган атласларимиз, дўппиларимиз ял-ял ёниб, кўрган кўзларни қувонтиради. Айниқса, йигит ва қиз орасидаги муҳаббатни ифода этувчи рақсларимиздаги ўзига хослик ва назокат хорижлик мутахассисларни ҳам лол қолдиради.

Раққосанинг орзулари ҳақида сўраганимизда у шундай жавоб берди:

— Бугунги ниҳол эртага чинорга айланишига ишонаман. Негаки, ниҳоллар парвариши учун жон куйдирадиган устозларимиз бор. Бизни қўллаб-қувватлайдиган меҳридарё, заҳматкаш халқимиз бор. Ёш истеъдодлар камоли учун жон куйдираётган Юртбошимиз бор. Шунинг учун ҳам биз бу қадар юксак эътиборга муносиб бўлишимиз, халқимиз санъати равнақи йўлида изланишимиз, истеъдодимизни камол топтириб боришимиз керак.

**Адиба ҲАМРО қизи**

## «УМРБОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР ЯРАТАЙЛИК»

**Севара Назархон билан суҳбат**



**— Санъат олами сари йўлингиз қандай бошланган?**

— Ёшлигимдан менинг қўшиқларга ғалати бир хайрихоҳлигим бор эди. Доим хиргойи қилиб юрар эдим, лекин катта бўлганимда, албатта, шифокор бўламан деган орзуим бор эди. Ақлимни таний бошлаганимдан кейин болаликдаги бу орзуим бирдан ўзгарди ва мен олдимга санъаткор бўлишни қатъий мақсад қилиб қўйдим. Ҳозир эса бу мақсадга қанчалик эришганимни санъат ихлосмандлари баҳолашгани маъқул. Бундан ҳеч ҳам афсусланмайман, аксинча! Орзуимга эришиш ва доим ёнимда бўлиб менга яқиндан кўмак бераётганларга алоҳида миннатдорлигимни билдираман. Булар, аввало, оила аъзоларим, қолаверса, раҳбаримиз Фатҳиддин Мусаев, Вагиф Зокиров, Тоҳир Қўзиев(танбурчи) ва Игор Тян(аранжировкачи).

Шу ўринда вокал бўйича устозим Нодира опа Қобулованинг хизматларини ҳам алоҳида қайд этиб ўтишни истардим.

**— Репертуарингизда муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар асосий ўринни эгаллаганлигини қандай изоҳлайсиз?**

— Табиат манзаралари ва умуман табиатга хос ўзгаришлар менга ҳамиша завқ бағишлайди. Севги фасли бўлмиш баҳорнинг кириб келиши, вақт ўтиши билан эса, сўлим ёз ва хазонлар фасли кузга айланишини муҳаббат ҳисларининг товланишига ўхшатгим келади. Шунинг учун бўлса керак муҳаббат мавзуи менга анча яқин. Айниқса, жавобсиз муҳаббатдан ёки айриликдан изтироб чекаётган қалбларнинг туйғуларини мен яхши тушунаман ва уларни қўшиқларимда ифода этишга интиламан.

**— Устоз кўрмаган «хонанда»лар кўпайиб кетаётганига нима дейсиз?**

— Бу жараённинг бўлиши табиий, деб ўйлайман. Чунки ёмон қўшиқни эшитмаган инсон яхшисини ажрата билмайди. Халқ эса ўзига маъқулини танлаб олади, сохта олқишларга учганлар ўз-ўзидан эл назаридан қолади. Бироқ, саёз қўшиқларни сараламасдан оммалаштирилишига ружу қўйиш эса одамлар дидини ўтмаслаштиради. Радио ва телевидениенинг бу соҳага масъул мутахассислари айнан шу масалада зиммаларидаги масъулиятни унутмасликлари зарур, деб биламан. Санъаткор бўлиш учун одамда нафақат истеъдод ва ширали овоз, балки, кенг дунёқараш ҳам бўлиши лозим. Халқ дардидан хабардор бўлмаган санъаткор чучмал қўшиқ яратишдан нарига ўтолмайди.

**— Биринчи сентябр куни «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилган янги талқиндаги «Тоҳир ва Зуҳра» телефилми кўригида сиз ҳам иштирок этдингиз. У сизга маъқул бўлдими?**

— Очиғини айтганда, мен бу филмдан қониқиш ҳосил қилмадим. Сабаби, унинг профессионал жиҳатдан номукаммаллигидир. Тўғрироғи, уни филм эмас, қўшиқлар композицияси деб баҳолаш мумкин.

**— Қайси санъаткорларнинг мухлисасисиз?**

— Устоз санъаткорларимиздан Ботир Зокиров, тенгдошларимиздан эса Тоҳир Қўзиев ва Земфиранинг қўшиқларини севиб тинглайман.

**— Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланишни ёқтирасиз?**

— Бўш вақтим жуда ҳам кам. Тарихий китобларни ўқиш, макраме ва от спорти билан шуғулланиш менинг жону дилим.

**— Санъаткор бўламан деган ёшларимизга тилакларингиз...**

— Биз ёшлар ҳақиқий, умрбоқий санъат яратайлик. Халқ дардидан бохабар ижодкорлар кўпайсин. Энг асосийси, дунёмиз тинч бўлсин. Тинчлик бўлса шеър ҳам ёзилади, қўшиқ ҳам жаранглайди.

**Суҳбатдош: Хуршид РАУПОВ**

## ХАЗИНАНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

(Боши 1-бетда.)

**Тўбучоқ абраше агарам зери зин бувад,**
**Мулки жаҳон маро ҳама зери нигин бувад.**

(Мазмуни: Агар остимда эгарланган от бўлганда эди, жаҳон мулклари қўл остимда бўларди.)

Навоийнинг бу сўзларини В.В.Бартолд қандай тушуниб, қандай хулоса чиқарганлигини қаранг: «Самарқандликларнинг табиати, ҳиротликларникига қараганда, албатта, қўполроқ деб ҳисобланарди: Мир Алишер Аҳмад Ҳожибек мулозимларидан бўлган ана шундай бир туркни, ҳаётдаги энг олий лаззат қуш овлаш, чопқир арғумоқ отларни минишдан иборат деб ҳисобловчи кишини таърифлайди. Мазкур туркка нисбат берилган қўпол шеър хусусида тўхталар экан, бу самарқандликларнинг қўпол табиати билан изоҳланишини айтиб ўтади».

Олимнинг шу ўринда ёзган сўзларидан маълум бўладики, уни «Самарқанд шўх ва ҳабислари» деган биргина ибора чалғитган. Шу иборани нотўғри тушуниши бошқа сўзлар ва ибораларни ҳам янглиш талқин қилишига сабаб бўлган. Масалан, Навоий зикр этилаётган шахсни «такаллуфотқа роғиб кишидур», «табъи яхшидур» деб таърифлайди. Бартолд эса уни қўпол ва дағал деб тасаввур қилади. Келтирилган байтни ҳам «қўпол шеър» (грубый стих) деб атайди ва унинг ёзишича, гўё Навоий бу қўпол шеър самарқандликларнинг қўпол табиатли эканлиги билан изоҳланади, деб уқтирган эмиш.

Навоий насрига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозимлигини улкан олим Е.Э.Бертелс ҳам таъкидлаган, хусусан «Маҳбуб ул-қулуб» ҳақида шундай ёзганди: «Бу Навоийнинг энг мураккаб асарларидандир. У адабиётдан эрмак қидирувчилар учун ёзилган эмас... Ундаги ҳар бир сўз чуқур ўйланган, теран ёндашувни талаб этади».

Е.Бертелснинг ўзи тадқиқотларида мазкур принципга қатъий риоя қиларди. Лекин Навоий услубининг нозиклиги айрим ўринларда шундай улуғ олимни ҳам доғда қолдирган. «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Навоий Жомий билан ўзи орасида бўлиб ўтган воқеалар, суҳбатлар ҳақида ёзар экан, Жомий тирик бўлган пайтларни эслаб лирик чекиниш қилади ва бундай деб ёзади: «Хуш ул замонларким, замон мундоғ бузургворлар шариф вужудлари била ораста ва даврон шундоқ рафеъ миқдорлар хилқатлари била пийроста эрди. Ҳайф ва юз минг дариғким, ул қуёшлар уёқиб, бир неча тийра рўзгор хуффошлар парубол очиб, назарбозлик ва баландпарвозлик ҳавосида жилва қилурлар».

Гарчи Навоийнинг шеърий ижодида лирик чекинишлар кўп учраса-да, унинг насрий услубида биз бу усулга аҳён-аҳёнда дуч келамиз. Шу сабабдан бўлса керак, Бертелс юқоридаги сўзларни муаллифнинг лирик чекиниши сифатида эмас, Жомий сўзлари сифатида қабул қилган. Унинг Абдураҳмон Жомийга бағишланган тадқиқотида тасдиқлашига кўра, юқоридаги сўзларни Жомий шоир Анварий ва унинг даври тўғрисида айтган эмиш.

Бунга ўхшаш мисолларни кейинги даврдаги тадқиқотлардан ҳам келтириш мумкин. Умуман, Навоий асарларининг нотўғри тушунилган, янглиш талқин этилган ёки нашрда хатога йўл қўйилган ҳолларининг тўқсон фойизи услуб билан боғлиқдир. Бу ҳол шуни кўрсатадики, муаллиф услуби ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш Навоий асарларини ўқувчи сифатида яхши тушуниш имконини берса-да, чуқур илмий кузатишлар олиб боиш учун етарли эмас. Бунинг учун махсус услубий тадқиқотлардан иборат асосга эга бўлиш ва шу асосга таянган ҳолда ишлаш лозим бўлади. Шуниси қизиққи, гарчи русларнинг мумтоз адабиёти услуб хусусиятларига кўра, бизнинг адабиётимиз сингари мураккаб ва нозик бўлмаса ҳам(масалан, Пушкин ёки Лермонтов асарларини рус тилини яхши билган ҳар қандай киши махсус услубий тайёргарликсиз ҳам тушунаверади, лекин ўзбек тилини яхши билган ҳар қандай киши ҳам Навоий асарларини тушунавермайди), рус адабиётшунослари бу заруратни биздан олдин англаб етганлар. Деярли барча улкан рус ёзувчиларининг индивидуал услублари ҳақида махсус тадқиқотлар яратилган, шунингдек, давр услуби, услубий оқимлар ва мактаблар каби тушунчаларга ҳам етарли даражада ойдинлик киритилган.

Бизда эса, бу ишлар ҳали олдинда. Мумтоз адабиётимизда услублар масаласидек катта муаммо юзасидан адабиётшунослигимизда ҳали бирор салмоқли фикр билдирилмаган. Фақат профессор А.Ҳайитметовнинг «Ўзбек адабиётида халқчиллик ва халқчил услуб» деб аталувчи мақоласида бу хусусда айрим мулоҳазалар баён қилинди.

Ўтмиш насримизда услублар масаласини ўрганишда ҳам аҳвол шундай. Ўтмиш насримизга, хусусан Навоийнинг насрий асарларига бағишланган ишларда, шунингдек, адабиёт назариясига оид тадқиқотларда йўл-йўлакай, бирор муносабат билан билдирилган фикрларгина мавжуддир.

Ҳолбуки, замон ва адабиётшунослигимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги шароит мазкур масалаларнинг ўта долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Навоий ижодининг янги муаммоларини ўрганиш, умуман мумтоз адабиётимизнинг кўп жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича амалга оширилган ишлар ана шу юқорида биз тилга олиб ўтган масалалар билан боғлиқдир. Мисол учун, Навоий адабий меросининг биргина томонини олайлик. Маълумки, кейинги йиллари улуғ шоир ижодини диний-тасаввуфий нуқтаи назардан ўрганишга қизиқиш кучайди, бир неча тадқиқотлар ҳам майдонга келди. Бу йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам давом эттирилаяпти. Лекин услубий тадқиқотларсиз, Навоий асарларидаги диний, тасаввуфий рамзларни махсус ўрганмасдан туриб, бундай улкан ва нозик ишга киришиш, салмоқли илмий натижаларга эришиш мумкинми? Энг оддий мантиқ талаблари ишни энг аввало услубий тадқиқотлардан бошлаш зарурлигини тақозо қилмайдими? Мен бу билан шу пайтгача мазкур йўналишда амалга оширилган ишларни камситмоқчи эмасман. Қолаверса, ушбу ишларнинг муаллифлари ўз тадқиқотларида йўл-йўлакай диний, тасаввуфий рамзларга ҳам тўхталиб ўтганлар, тасаввуф истилоҳларига доир адабиётлардан фойдаланганлар. Лекин, афсуски, масала йўл-йўлакай тўхталиб ўтиш билан ҳал бўладиган масала эмас. Ҳар бир рамз Навоий ҳар бир асарининг мазмуни, бадиияти билан боғлиқ равишда шундай маънолар касб этадики, уларни фақат махсус услубий тадқиқотларгина кўрсатиб бериши мумкин.

Ёки бошқа бир муаммони олайлик. Адабиётимиз тарихида бирор адибга нисбат берилувчи(шу жумладан, Навоийга ҳам), лекин муаллифи узил-кесил аниқланмаган асарлар бор. Улар ҳақида ҳам тез-тез эслаб турилади. Лекин бу асарларнинг услубини ўрганиш ёрдамида масалага аниқлик киритишга уриниб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Ҳолбуки, услубий тадқиқотлар муаллифлик масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга молик эканлиги жаҳон адабиётшунослиги тажрибасида исботланган. Бундай тажриба рус адабиётшунослигида ҳам бор. Улкан олим, академик В.В.Виноградов бу хусусда «Муаллифлик муаммоси ва услуб назарияси»(Москва, 1961) номли тадқиқот яратган, бир қанча «адашган», бошқа адибга тегишли бўлгани ҳолда ўзга бир ижодкорга нисбат берилган асарларнинг ҳақиқий муаллифини аниқлаган эди.

Қолаверса, бунинг ёрқин мисоли ўзимизда ҳам бор. Мен бу ўринда «Гул ва Наврўз» асарининг муаллифи хусусидаги баҳсларни ўқувчилар ёдига солмоқчиман. Узоқ йиллар бу асар Лутфий қаламига тегишли деб ҳисобланиб келинди. Бундан 25-30 йиллар муқаддам мумтоз адабиётимизнинг билимдонларидан бири, олим Ёқубжон Исҳоқов ўз тадқиқотлари натижасида мазкур асар Лутфий томонидан эмас, Ҳайдар Хоразмий томонидан яратилган деган хулосага келди ва ўз фикрини матбуотда эълон қилди. Бу янгилик илмий жамоатчилик ўртасида баҳсга сабаб бўлди. Ниҳоят, кейинги даврда топилган янги манбалар Ё.Исҳоқовнинг ҳақ эканлигини кўрсатди.

Бу ўринда масаланинг биз учун диққатга сазовор ери шундаки, Ё.Исҳоқов гарчи қисман тарихий-биографик маълумотларни қиёслаш усулидан ҳам фойдаланган бўлса-да, лекин ўз хулосасига асосан услубий кузатишлар орқали келган. Бу ҳол юқоридаги сингари масалаларда услубий тадқиқотларга суяниш мумкинлигини яна бир бор тасдиқлайди. Фақат бугина эмас. Ушбу сатрлар муаллифи «Бобурнома», «Муншаот» каби асарлар матни устидаги тадқиқотлари давомида шундай хулосага келдики, матншуносликнинг ҳам кўп чалкаш масалаларини ҳал этишда услубий кузатишлардан фойдаланиш мумкин ва зарур экан.

Хуллас, мумтоз адабиётимизни ўрганишда услубий изланишлар катта аҳамиятга моликлиги, бу борада салмоқли улкан тадқиқотлар яратиш зарурати бугун айниқса яққол сезилмоқда. Жумладан, Алишер Навоий ижодини ҳам шу йўналишда тадқиқ этиш пайти келди. Чунки агар Навоий меросини бир хазина десак, унинг услубини ўрганиш ана шу хазинанинг калитига эга бўлиш, демакдир.

**Қодиржон ЭРГАШЕВ,**
**ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг докторанти**

